

Сизларга яхшингиздан ва ёмонингиздан хабар берайми?



10:27 / 31.07.2023 3906

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган одамлар олдига келиб: **«Сизларга яхшингиздан ва ёмонингиздан хабар берайми?»** дедилар. Улар сукут сақлашди. У зот ўша гапни уч марта айтдилар. Сўнгра бир киши: **«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули, бизга яхшимиздан ва ёмонимиздан хабар беринг»**, деди. **«Яхшингиз - яхшилигидан умид қилинадиган ва ёмонлигидан омон бўлинадиган кимсадир. Ёмонларингиз - яхшилиги умид қилинмайдиган ва ёмонлигидан омон бўлинмайдиган кимсадир»**, дедилар».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.